



6 май куни Президент ҳузурида олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, кабул ва малака тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 6 май куни темир йўл соҳасидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг назоратини амалга ошириш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва генотипига салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди. Фармон билан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.



6 май куни Тошкентда Франциянинг ОАВни ривожлантириш агентлиги (CFI) ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган журналистлар минтақавий форуми бошланди. Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилаётган, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Франция мутахассислари ва экспертларини тўплаган форум дезинформация, медиасаводхонлик, журналистика этикаси, ОАВни рақамлаштириш ва молиялаштириш каби бугунги тез ўзгариб бораётган дунёда муҳим аҳамиятга эга масалалар муҳокамасига бағишланган.



Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси Раъван Усмонов Уорвик университети ректори, профессор Стюарт Крофт билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартриш ва бандлик вазири Бехзод Музаев ҳамда Корея Республикасининг Автомобилсозлик санъати уюшмаси раиси Квак Ёнг Чол ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонасида ташкил этилган маскун мулоқотда ушбу давлат провинцияларидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш уюшмалари раҳбарлари ҳам иштирок этди.



Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида Австриянинг Грац тиббиёт университети ва «Novabioma Biomanufacturing Flexco» компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



«Ўзтемирйўлийловчи» АЖ матбуот хизматининг хабар беришича, 9 май - Хотира ва кадрлар куну муносабати билан 8, 9 май кунлари Тошкент - Қарши - Тошкент йўналишида «Афросиёб» электропоездининг қўшимча ҳаракати йўлга қўйилди.

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

«Ishonch» savoli Энергетика вазирлигига!

АСОСИЙ АЙБДОР АҲОЛИ ЭМАС

ёхуд ўғрилиқ ҳақидаги хабарларда нега соҳа вакиллари ҳақида ахборот берилмайди?



«Ўзэнергоинспекция» ҳамда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида ўтказилган назорат тадбирларида апрель ойи давомида 539 та ҳолатда истеъмолчиларнинг табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганликлари аниқлангани ҳақида хабар берилди.

Текширув даврида 39 миллиард 518 миллион сўмлик электр энергияси (41 миллион 241 минг кВт-соат) ва 19 миллиард 328 миллион сўмлик табиий газ (12 миллион 883 минг куб метр) талон-торож қилиниши натижасида давлат манфаатларига келтирилган жами 58 миллиард 846 миллион сўмлик зарар ундиришга қаратилган. Ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг энг кўпи эса Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятлари ҳиссасига тўғри келгани билдирилган инспекция хабариди.

Ўғрилиққа қарши курашмоқ зарур, албатта. Аммо муаммонинг илдизи қаерда?

Жуда кўп йилларки энергетика муаммолари ҳақида сўз бурса, ўғрилиқлар ёки тежамкорлик зарурати ҳақида маълумотлар пайдар-пай чиқарила бошлайди.

Ун йиллар олдин чўғланма лампалардан ўз кечиб, замонавий тежамкорларига ўтиш тарғиботи авж олди. Бундай ҳаракат орти-

дан тежаладиган электр энергияси ҳисобидан электр чироқ ўчиши муаммоси буткул ҳал бўлиши мумкинлиги сингдирилди. Тежамкорлиги мақталган, аммо чўнтакни яхшигина қоқадиган лампалар бозорни буткул эгаллади. Эски, лекин нисбатан ишончли ва арзон чўғланма лампалар сиқиб чиқарилди. Бироқ чироқ ўчишидан қутулмади.

Кейин эса бу тарғибот ёнига иккинчиси қўшилди - аҳоли ва тадбиркорлар томонидан тўланмаётган қарздорлик биринчи планга олиб чиқилди. Агар ҳамма қарзини тўласа, соҳага четдан инвестиция керак бўлмаслиги, ҳатто давлат кўмагисиз ўз ноқисликларини бемалол бартараф эта олиши мумкинлиги ҳақида жар солинди. Гоҳ эски қурилмалар, гоҳ самарасиз тизим танқид қилинди.

Бу борада ҳам жиддий силжишларга эришдик - бугун ноаниқ ё абонент фойдасига ишлайдиган ҳисоблагичлар бутунлай йўқ, тўлов тизими ҳам аъло даражада ишлаб турибди. Шу даражада зўр ишлайдики, бир сўм қарз бўлсангиз кифоя - шартга узди. Бугун аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам олдиндан тўлов орқали электр энергияси ва газдан фойдаланмоқда. Яъни амалда нафақат қарз бутунлай ёпилди, балки айнан юртдошларимиз томо-

нидан тизимга олдиндан тўлов шаклида жуда катта инвестиция киритилди. Бироқ чироқ ўчаверишини, газ эса йўқолиб қолишини қўймади.

Бу икки «айбимиз» ёнида учинчи шериги ҳам бор - соҳа мутасаддилари томонидан қилинаётган ўғрилиқларга оид дахшатли статистика бот-бот эълон қилиб турилади. Маълумотлар шунчалар беҳижолат ва давомли эълон қилинадики, гўё ҳамма ўғрилиқ қилаётгандай тасаввур ўйғонади.

Лекин бу ўринда оддий ва жўяли саволлар туғилади: хўш, уша талон-торож ва ўғрилиқларнинг бошида ким туради? Ҳар бир маҳалланнинг ўз назоратчиси бор. Кичик ҳудудда катта ўғрилиқ бўлаётганини улар билишмайдими? Қайсидир фойдаланувчи катта хажмда ўғрилиқ қилишга ўзининг ақли етадими? Энг дахшатлиси, ҳар икки томон ўзаро тил бириктириб, коррупция билан бирга халқ манфаатларига узоқ ва давомли зарар келтириб юрганлар оғми? Нега фош этилган ўғрилиқ ҳақидаги хабарларда соҳа вакиллари ҳақида ҳеч ахборот берилмайди?

Аброр ЗОХИДОВ «ISHONCH»



РАҒБАТ ЯНГИ МАРРАЛАРГА УНДАЙДИ

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида спортнинг универсал жанр тури бўйича Туркиянинг Мерсин шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогида голибликни қўлга киритган Нозигул Чориевани тақдирлаш маросими ўтказилди.

Академия профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган маросимда сўзга чиққан академия ректори, иқтисод фанлари доктори Сайфулла Аҳмедов Нозигул Чориева қўлга киритган ютуқ академия тарихида биринчиси экани, таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлаганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу каби муваффақиятларнинг қўлга киритилиши тасодиф эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида Нозигул Чориевага Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан пул мукофоти ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муваффақиятимизнинг бу даражада тақдирланишини кутмаган эдим, - дейди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси талабаси Нозигул Чориева. - Бу мамлакатимизда меҳнат ва ҳаракат қилган инсоннинг қадрланишининг яна бир исботидир. Менга кўрсатилган эътибор спортда ва ўқишда янада юксакроқ натижаларга эришишга ундайди. Насиб бўлса, шундай бўлади ҳам.

Ўз мухбиримиз

САҲНАДА «ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРЛАРИ»

Ўзбекистон касба уюшмалари саройида Навоий кон-металлургия комбинати маданият муассасалари бадий жамоаларининг «Қизилқум жавоҳирлари» концерт дастури бўлиб ўтди.

Дастурнинг очилиш маросимида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси - бош директори Қувондиқ Санакулов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ишчи-ходимларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда жамиятда санъатнинг ўрни ва аҳамияти хусусида сўзладилар.

Шундан сўнг концерт дастури намойиш этилди. «Садо», «Ширин», «Марварид», «Фарҳод», «Офарин», «Ниҳол», «Тарона» каби бадий жамоаларнинг мохир ижодкорлари тайёрлаган турли тиллардаги куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар мухлис-ларга жуда манзур бўлди.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

Диёрбек ҒАНИЕВ олган сурат



НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?

Бу йил Хотира ва қадрлаш кунинда юртдошларимиз фақат бир кун дам оладилар.

Байрам куну - 9 май. Пайшанба куну.

Президент фармонида кўра, қўшимча дам олиш куну белгиланмаган.


Маълумот

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





Сирдарё вилояти

ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси анестезиолог-реаниматолог шифокори Холмирза Рашидов иш вақтида бахтсиз ҳодисага йўлиқди. Аммо тўққиз ойдан ортиқ вақт ўтпти ҳамки, иш берувчи ўз мажбуриятини бажармади – бирийўла бериладиган нафақа ҳамда ойма-ой бериладиган зарар пуллари тўлаб бермапти.

Ходимнинг мурожаатини Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат техник инспектори А.Ғаниев батафсил ўрганиб чиқди ва аниқланган камчиликлар юзасидан Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига кўрсатма хати юборди.

Шундан сўнг иш берувчи мазкур масалани ижобий ҳал этди. Кўрсатмага асосан, Х.Рашидовга 186 926 684 сўм бирийўла бериладиган нафақа ҳамда ҳозирги кунгача бўлган 12 877 172 сўм ойма-ой зарар пуллари, жами 199 803 856 сўм пул маблағлари ундириб берилди.

Амир АХМЕДОВ

Фарғона вилояти

МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

Шаҳзодаҳон Жалилова Кува туманидаги 14-давлат мактабгача таълим ташкилотида директор лавозимида 20 йилдан буён ишлаб келган. Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 22.12.2023 йилдаги буйруғи билан унинг меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 157-моддаси асос қилиниб, тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши мутахассислари томонидан Ш.Жалилованинг аввалги лавозимига ишга тиклашга оид мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди. Ушбу жараёнда Ш.Жалилова ишдан бўша тўғрисидаги аризани ўз хоҳишига кўра ёзмагани маълум бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2024 йил 18 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан, Ш.Жалилова 14-давлат мактабгача таълим ташкилоти директори лавозимига ишга тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий зарар учун унинг фойдасига салкам 20 миллион сўм ундирилди.

Мансуржон УСМОНОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

Жиззах вилояти

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Дўстлик туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари маркази раҳбарияти кичик тиббиёт ходим Моҳира Раимовага нисбатан ноҳақлик қилди.

Гап шундаки, М.Раимова туғуруқ таътидан қайтиб, аввалги ишини давом эттириш ниятида эди, аммо иш берувчи бунга тўсқинлик қилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ходимнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш мақсадида йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аён бўлишича, иш берувчи М.Раимовага тунги сменада ишловмаслиги важи билан уни аввалги жойига эмас, 0,5 ставкада кундузги иш фаолиятига жалб этган.

Касаба уюшма кўмитаси ходим манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суднинг тегишли қарори билан ходимнинг ҳуқуқий манфаати тикланди.

Шерзод ШЕРБЕКОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



Меҳнат муҳофазаси

МАҚСАД – ХАВФСИЗ ВА ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумот беришича, бутун дунё бўйича ҳар йили меҳнат жараёнларида 300 миллиондан зиёд бахтсиз ҳодиса содир бўляпти. 160 миллионга яқин турли касб касалликлари рўйхатга олинмоқда. Таассуфки, ишлаб чиқариш ва касб касалликлари тўғрисида 2 ярим миллиондан ортиқ ходим ҳалок бўляпти.



Юқоридаги статистикадан ойдинлашиб турган ҳақиқат шуки, меҳнат муҳофазаси оддий ва жўн мавзу эмас, аксинча, ниҳоятда жиддий ва долзарб масаладир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмалари ҳам мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси доирасида кенг қўламли ишларни олиб бормоқда. Назорат-профилактика, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош билан таъминлаш, муносиб меҳнат шартнолари яратиш каби вазифалар шулар жумласидан.

Мазкур жараёнларда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси

Республика кенгаши ҳам фаол иштирок этиб, тасаруфдаги ташкилот ва корхоналарда турли маърифий ва тарғибот тадбирларини уюштириб келаётир. Жумладан, Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», Халқ банки, «Ўзбекинвест» ЭИМСК ва бошқа ташкилотларда айни мавзу юзасидан ўтказилган семинарларда асосий эътибор

меҳнат қонунчилигида қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатларга қатъий амал қилиш, жамоаларда меҳнат муҳофазаси маданиятини шакллантириш ва тарғиб қилиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бирдамликни мустаҳкамлаш, самарадорликни оши-

риш бўйича илғор тажрибаларни ўзлаштириш каби масалаларга қаратилди. – Тадбирлар ўзини оқлаши шубҳасиз, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси бошлиғи Дамир Эрдашев. – Бу борада олиб бораётган саяёҳатларимиз натижаси ўлароқ ўтган икки йил давомида тасаруфдаги меҳнат жамоаларида биронта ҳам бахтсиз ҳодиса кузатилмади. Албатта, ҳар бир аъзо учун муносиб меҳнат шариоити яратиш йўлида бундан кейин ҳам ваколатимиз доирасида тушунтириш ишларини олиб борамиз, таъсирли чоралар ишлаб чиқамиз.

Ғулможон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Наманган вилояти **Давра суҳбати**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши томонидан «Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси директори Эркинжон Юсупов, Кенгаши раиси ўринбосари Қосимжон Холбоев, Наманган вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат-техник инспектори Зафаржон Умаров ҳамда тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгаши раислари, маъсул ташкилотчилари, бирлашган кўмита раислари, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг маъсул ходимлари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар иштирок этишди.

Давра суҳбатида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ходимлардан меҳнатни муҳофазаси қилишга ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир талаб қилинадиган меъёрлар, ҳар бир иш ўрнида меҳнатни муҳофазаси қилишга риоя этилиши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларида ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий сўғурта қилиниши, ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майибланиш ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ундирилиши борасида фикр алмашилди.

Тадбир якунида корхона ва ташкилотлар ўртасида «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» юзасидан ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Одилжон ЖўРАБОВЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Тошкент вилояти **Кўрик-танлов**

БИЛИМ ВА МАЛАКА СИНОВИ

Зангиота туманида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумида «Ҳамшира – 2024» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Унда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоятдаги даволаш профилактика муассасаларидан энг яхши деб топилган 17 нафар билимли, зукко ва фаол ҳамширалар, тиббий оғалар иштирок этишди.

Кўрик-танловда ходимлар тиббиёт соҳасига оид назарий, амалий ва ижтимоий-сиёсий билимларини синовдан ўтказишди. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши маъсуллари ҳам қатнашдилар.

Яқунда Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг Болалар бўлими ҳамшираси Назоқат Мирсаъдиева энг юқори кўрсаткич билан биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали реанимация бўлими ҳамшираси Махлиё Ҳакимовага, учинчи ўрин эса, Нурафшон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасининг тиббий бригада ҳамшираси Мунисахон Каримовага nasib қилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Биринчи ўринни олган ҳамшира танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Зиёдулла ОТАХЎЖАЕВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгаши раиси



Бухоро вилояти

Касаба уюшмалари кубоги

МАЙДОНДА ПЕДАГОГЛАР

Жондор туманидаги «Нурафшон» спорт мажмуасида туман умумтаълим мактаблари педагог-ҳодимлари ўртасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида Касаба уюшмалари кубоги спорт мусобақаларининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Спорт билан мунтазам шуғулланидиган ходимлар сонини ошириш, таълим муассасалари ходимларини соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган мусобақаларда секторлар кесими босқичида 1173 нафар, туман босқичида эса 92 нафар ходим ғолиблик учун кизгин кураш олиб борди.

– Сифатли таълимни таъминлашда бевосита иштирок этаётган педагоглар, ўқитувчилардан ақлий, интеллек-

туал, маънавий сифатлар билан бир қаторда, жисмонан соғлом ва тетик бўлиш ҳам талаб этади, – деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилев. – Шубҳа йўқки, ҳар жабҳада ўз устида ишлашга тайёр таълим тизими ходимларига бугунги беллашувлар ҳам катта наф келтиради.

– Сифатли таълимни, шахмат-шашка беллашувларида 5-мактаб ўқитувчилари Сабоҳат Чориева, Жамшид Ру-

стамов, Дилбар Пўлатова ҳамда Рамз Хусенов юқори натижаларга эришди. Шунингдек, 29-мактабдан Муҳиддин Қудратов, 21-мактаб ўқитувчиси Гулсум Равшанованинг натижалари ҳам эътироф этилди. Волейбол бўйича эса 36-мактаб, футбол бўйича 14-мактаб жамоалари биринчилиكنи қўлдан бермади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Яккабоғ туманида «Сохибқирон» оромгоҳида «Иссиқлик электр станциялари» ва «Иссиқлик электр марказлари» акциядорлик жамиятлари ишчи-ҳодимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда 130 нафар тингловчи қатнашди.

Семинар



ЭНЕРГЕТИКЛАР АНЖУМАНИ

Ўқувда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, техника хавфсизлиги қоидалари бўйича машғулотлар ўтишти. Фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича амалий машқлар, кўргазмали чиқишлар барча учун бирдек фойдали бўлди.

«Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан ўтказилган «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Жамоа шартномасини биласизми?», «Энг яхши жамоатчи вакиллар жамоаси» каби кўрик-танловлар семинарнинг янада мазмунли ўтишини таъминлади. Яқунда «Навоий ИЭС», Фарғона «ИЭМ», «Тошкент ИЭС» АЖ жамоалари танлов ғолиблари сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари, соҳа хизматчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мезбон ташкилот – «Талимаржон ИЭС» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Шухрат Нормўминов ташаббуси билан футбол, волейбол, шахмат-шашка, югуриш марафонли мусобақалари уюштирилди. Фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди. Шунингдек, энергетиклар Шахрисабз шаҳридаги «Оқсарой» мажмуасини зиёрат қилишди.

– Қашқадарёга биринчи марта келишим, – дейди «Тахиятош ИЭС» АЖ меҳнат муҳофазаси ва техник назорат катта инспектори Жалғасбой Отегенов. – Воҳанинг гўзал табиати, иқлими бизни мафтун этди. Ўқувда ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш, янги танишлар, дўст-биродарлар орттирдик. Бундай семинарлар анъанавий бўлишини истардим.

«Навоий иссиқлик электр станцияси» муҳандиси Орзигул Шукурова ходимлар малакасини ошириш иш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бар тараф эгишда аҳамиятга молик эканини таъкидлади.

– Навоийдан тўққиз киши келдик, – деди у. – Ўзим «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» танловида тайёрлаган видеоролик билан қатнашиб, ғолиб бўлдим. Жамоамиз эса «Энг яхши жамоатчи вакиллар жамоаси» кўригида биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Ўрганганларимизни ҳамкасблар билан бўлишамиз, албатта. Фурсатдан фойдаланиб, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ бирлашган касаба уюшма кўмитасига сермазмун семинар, юқори даражадаги ташкилотчилик учун миннатдорлик билдирамиз.

Ақмак АБДИЕВ
«ISHONCH»

